

**ҚАРШИ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ PhD.03/31.03.2021.FM.70.06 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ИСЛОМ КАРИМОВ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА
УНИВЕРСИТЕТИ**

ХЎЖАНИЁЗОВ ЖУМАНАЗАР БОБОҚУЛОВИЧ

**ИОН-ИМПЛАНТАЦИЯ ҚИЛИНГАН КРЕМНИЙ ВА ЮПҚА
СИЛИЦИД ПЛЁНКАЛАРДА ЭЛЕКТРОНЛАРНИНГ ПЛАЗМАЛИ
ТЕБРАНИШЛАРИНИ УЙҒОНИШИ**

01.04.04 – Физик электроника

**ФИЗИКА-МАТЕМАТИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2021

**Физика-математика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
диссертацияси авторефератининг мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
по физико-математическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctoral philosophy (PhD) on physical-
mathematical sciences**

Хўжаниёзов Жуманазар Бобоқулович

Ион-имплантация қилинган кремний ва юпқа силицид плёнкаларда
электронларнинг плазмали тебранишларини уйғониши..... 3

Хужаниёзов Жуманазар Бобоқулович

Особенности возбуждения плазменных колебаний электронов в ионно-
имплантированном кремнии и в силицидных пленках..... 21

Khujaniyozov Jumanazar Bobokulovich

Features excitation of plasma oscillations of electrons in the ion-implanted
silicon and the silicide films 39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works 43

**ҚАРШИ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ PhD.03/31.03.2021.FM.70.06 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ИСЛОМ КАРИМОВ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА
УНИВЕРСИТЕТИ**

ХЎЖАНИЁЗОВ ЖУМАНАЗАР БОБОҚУЛОВИЧ

**ИОН-ИМПЛАНТАЦИЯ ҚИЛИНГАН КРЕМНИЙ ВА ЮПҚА
СИЛИЦИД ПЛЁНКАЛАРДА ЭЛЕКТРОНЛАРНИНГ ПЛАЗМАЛИ
ТЕБРАНИШЛАРИНИ УЙҒОНИШИ**

01.04.04 – Физик электроника

**ФИЗИКА-МАТЕМАТИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2018.2.PhD/FM245 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Ислон Каримов номидаги Тошкент давлат техника университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.qarshidu.uz) ҳамда «ZiyoNet» Ахборот-таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Рысбаев Абдурашит Сарбаевич

физика-математика фанлари доктори,
профессор

Расмий оппонентлар:

Сабиров Леонард Мухаммеджанович

физика-математика фанлари доктори,
профессор

Рахманов Ғанибой Тоджиевич

физика-математика фанлари номзоди, доцент

Етакчи ташкилот:

У.А. Арифов номидаги Ион – плазма ва лазер технологиялари институти

Диссертация ҳимояси Қарши давлат университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи PhD.03/31.03.2021.FM.70.06 рақамли илмий кенгашнинг 2021 йил «___» _____ соат ___ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 180119, Қарши шаҳри, Кўчабоғ кўчаси, 17-уй. Тел./факс: (99875) 225–34–13, email: kardu@mail.ru, Қарши давлат университети мажлислар зали).

Диссертация билан Қарши давлат университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (_____ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 180119, Қарши шаҳри, Кўчабоғ кўчаси, 17-уй. Тел./факс: (99875) 225 34 13.

Диссертация автореферати 2021 йил “___” _____ куни тарқатилди.
(2021 йил “___” _____ даги №___ рақамли реестр баённомаси).

М.Т. Нормурадов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
раиси, ф.-м.ф.д., профессор

Ғ.Х. Халимов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
илмий котиби, ф.-м.ф.н.,
катта илмий ходим

А.К. Ташатов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
қошидаги илмий семинар раиси,
ф.-м.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертациясининг аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Ҳозирги вақтда дунёда замонавий диагностик техникалар, нанотехнологиялар ва наноқурилмалар кескин ривожланмоқда. Наносоҳада электроника элементлари ўлчамларининг кичрайиши ҳисобига уларнинг кристалл ва электрон тузилиши сезиларли даражада ўзгаради. Хусусан, ион-имплантация қилинган кремнийда аралашма атомларининг концентрациясига боғлиқ равишда юзавий ва ҳажмий плазмонларнинг энергияси камайиши кузатилган. Бу жиҳатдан исталган шаклга ва таркибга эга бўлган нанозаррачаларни синтез қилиш, нанозарра ва наноструктураларнинг хоссаларини батафсил ўрганиш, компьютерда моделлаштириш ҳамда оптималлаштириш учун юзавий, ҳажмий ва локаллашган плазмонлар хоссаларини ўрганиш замонавий электрониканинг долзарб вазифаларидан бири ҳисобланади.

Жаҳон миқёсида замонавий технологияларни яратишнинг асосларидан бири бўлиб кремний монокристалларига кичик энергия ва юқори дозада металл ионларини имплантация қилиш усули билан ҳосил қилинган юпқа наноўлчамли силицид плёнкалар ҳисобланади. Юқори термик стабиллиги ва кимёвий ишлов беришларга бардошлилиги, кремний билан технологик мослиги туфайли яримўтказгичли силицид пленкалардан амалда наноэлектроника соҳасида кенг қўлланилмоқда. Шу билан бирга ноёб физик хусусиятларга эга бўлган наноплёнка ва наноматериалларни ишлаб чиқариш технологияларини ўрганишга алоҳида эътибор берилмоқда.

Республикамизда силицид плёнкалар асосида ишлайдиган янги электрон қурилмаларнинг ишлаш тамойилини, юпқа наноўлчамли қатламларда ионлар, электронлар ва фотонлар таъсирида ток ўтишида кузатиладиган электрон жараёнларни ўрганиш учун кенг қамровли илмий тадқиқот ишлари олиб борилмоқда ва муайян натижаларга эришилмоқда. Белгиланган шаклга ва таркибга эга бўлган нанозаррачаларни синтез қилиш, нанозарра ва наноструктураларни яратиш **физик электрониканинг долзарб муаммоси** ҳисобланади. Бироқ ҳозирги вақтгача ион-имплантация қилинган кремний ва юпқа силицид плёнкаларда валент электронларнинг плазмали тебранишларининг уйғониш механизми экспериментал тўлиқ ўрганилмаган ва назарий жиҳатдан адабиётларда деярли ёритилмаган. Шунинг учун ушбу диссертация иши юқорида кўрсатилган долзарб муаммоларни ҳал қилишга бағишланган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”¹, 2017 йил 17 февралдаги № ПҚ-2789 сон “Фанлар академияси фаолияти, илмий-тадқиқот ишларини ташкил этиш, бошқариш ва молиялаштиришни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ва 2019 йил 22 августдаги № ПҚ-4422 сон “Иқтисодий ва

¹Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони

ижтимоий соҳаларнинг энергия самарадорлигини ошириш, энергия тежайдиган технологияларни жорий этиш ва қайта тикланадиган энергия манбаларини ривожлантириш бўйича тезкор чора тadbирлар тўғрисидаги” Қарор ва Фармонлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳукуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация иши муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланиши устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот иши Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялари ривожланишининг: II. “Физика, астрономия, энергетика ва машинасозлик” ва III. “Энергетика, энергоресурс тежамкорлиги, транспорт, машина ва асбобсозлик, замонавий электроника, микроэлектроника, фотоника ва электрон асбобсозлиги ривожланиши” устувор йўналишларига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Металл ва яримўтказгичларда электронларнинг юзавий ва ҳажмий плазмали тебранишларини ўйғониш хусусиятларини ўрганиш соҳасидаги илмий тадқиқот ишлари дунёнинг кўплаб илмий текшириш марказларида олиб борилмоқда. Валент электронларнинг ҳажмий ва юзавий тебранишларининг ўйғониши ҳамда каттик жисмларда электрон системасининг унда ёки унинг юза яқинида ҳаракатланаётган ташқи электронга реакция қилиш муаммосини ечишда Д. Пайнс (D. Pines), Р. Ритчи (R. Ritchie), Ж. Линдхард (J. Lindhard) ва Х. Райзерлар (H. Raether) асосий ҳиссаларини қўшган. Бунда энг муҳим экспериментал натижалари N. Lieske ва R. Hezel (Германия), H. Ibach (АҚШ), А.Ю. Митягин, В.Ф. Дворянкин (Россия) ҳамда назарий натижалар D. Pines ва R. Ritchie (АҚШ), H. Raether (Германия), В.В. Румянцев ва Б.Н. Либенсон (Россия) каби олимлар томонидан олинган. Электронларни каттик жисмда характерли энергия йўқотиши плазмонларни ўйғотишга ва валент электронларни зоналараро ўтишлари билан боғлиқ бўлиши кўрсатилган. Плазмонларнинг энергияси бир ва икки компонентли каттик жисмларда валент электронларнинг концентрациясига тўғри пропорционалиги аниқланган. Етакчи назариётчи олимларнинг ишларида муҳит диэлектрик сингдирувчанлигининг мавҳум қисми электронлар плазмали тебранишларнинг сусайишини характерлаши кўрсатилган.

Ўзбекистон (Ион-плазма ва лазер технологиялари институти) олимлари А.А. Алиев ва М.К. Рузибаева томонидан юпқа мис ва кумуш плёнкаларидан қайтган ва ўтган электронларнинг характерли энергия йўқотишининг дисперсияси ўрганилган. Бунда бирламчи электронлар кичик индексли кристаллографик ўқлар бўйича ўтганда валент электронларнинг плазмали тебраниш частотасининг камайиши аниқланган. М.Т. Нормурадов ва А.С. Рисбаевлар илк бор Si(111) га катта дозали, 0,5 кэВ энергияли Na⁺ ионлари имплантация қилинганда ҳажмий ва юзавий кремний плазмонлари энергиясининг камайишини аниқлашган. Бу ҳодиса муаллифлар томонидан кремний юзасида диэлектрик сингдирувчанлиги тоза кремний диэлектрик сингдирувчанлигидан фарқланадиган кучли тартибсизланган қатлам ҳосил бўлиши билан тушунтирилган. Бироқ ион-имплантация қилинган

кремнийдаги плазмонларнинг уйғониш хусусиятлари ҳозиргача экспериментал тўлиқ ўрганилмаган ва назарий томондан тушунтириб берилмаган.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Ислом Каримов номидаги Тошкент давлат техника университети Ф–2–31-сонли “Наноўлчамли металл силицид плёнкаларнинг структураси ва физик хоссаларини ўрганиш ва термосезгир структуралар ҳосил қилиш” (2012–2016) фундаментал лойиҳаси доирасида ва “Умумий физика” кафедрасининг 2018 - 2021 йилларда режалаштирилган “Ҳар хил табиатли материалларнинг (металл, яримўтказгич, диэлектрик) электрон ва кристалл тузилиши ҳамда хоссаларини кичик энергия ва катта дозали ион имплантация ва кейинги термик, ИҚ ва лазер нурланишлар билан термоишлов бериш орқали мақсадли ўзгартириш” мавзусидаги илмий ишлар доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади кремнийнинг ион-имплантация қилинган қатламларида ҳамда натрий ва барий силицид плёнкаларида плазмонларнинг уйғониш хусусиятларини модели ва назарий тушунтириш.

Тадқиқотнинг вазифалари:

металл ва яримўтказгичларда, хусусан кремнийда, юзавий ва ҳажмий валент электронларнинг плазмали тебранишларини уйғониши бўйича адабиётлардаги маълумотларни таҳлил қилиш;

кичик энергия, катта дозали Va^+ ва Na^+ ионлар имплантациясини Si(111) ва Si(100) монокристаллар валент электронларининг юзавий ва ҳажмий плазмали тебранишларини уйғонишига таъсирини тажрибада аниқлаш;

ион имплантацияланган кремнийда тоза Si га нисбатан юзавий ва ҳажмий плазмонларнинг частотаси камайишини назарий тушунтириш;

турли энергиялар учун кремнийнинг ион имплантация қилинган юзавий қатламларини аморфизацияга олиб келадиган Va^+ ва Na^+ ионларини критик дозаларини ва ион имплантация қилинган қатламларнинг рекристаллизация бўлиши ва $VaSi$ ($NaSi$) силицид плёнкаларини ҳосил бўлиши учун зарур бўлган термоишлов бериш температураларини аниқлаш;

ион имплантация қилинганда ҳосил бўладиган нуқсонларнинг (кристалл структураларнинг бузилиш даражаси) кремнийнинг валент электронлари тақсимотининг максимумларини силжишига таъсирини ўрганиш;

Тадқиқотнинг объекти солиштирма қаршилиги $\rho=3000 \text{ Ом}\cdot\text{см}$, p ва n – типли Si(111) ва Si(100) монокристаллари.

Тадқиқотнинг предмети ион-имплантацияланган кремний валент электронларининг юзавий ва ҳажмий плазмали тебранишлари.

Тадқиқотнинг усуллари. Электрон оже-спектроскопияси (ЭОС), эластик сочилган электронлар спектроскопияси (ЭСЭС), характерли энергия йўқотган электронлар спектроскопияси (ХЭЙЭС), фотоэлектронлар спектроскопияси (ФЭС), кичик энергияли электронлар дифракцияси (КЭЭД) ва растрли электрон микроскопия (РЭМ).

Тадқиқотнинг илмий янгиллиги қуйидагилардан иборат:

одатий термик қиздириш йўли билан тозаланган кремний намунага Na^+ ва Ba^+ ионларини катта дозада киритиб, кейинчалик икки поғонада: $T=900\text{ K}$ 30 минут давомида ва $T=1550\text{ K}$ 30-60 сония давомида қиздириб Si монокристалларининг юзасини аралашма (S , O ва C) атомлардан тўлиқ тозалаш усули ишлаб чиқилган;

ионлар имплантацияси давомида кремний юза қатламлари тартибсизланиб тўлиқ аморфланиши кузатилди. Na^+ ва Ba^+ ионлари учун аморфланиш критик дозалари миқдори D_{cr} аниқланди. Ионларнинг энергияси ортиши билан D_{cr} нинг қиймати камайиши аниқланган: $E_0=0,5\text{ кэВ}$ да $D_{\text{cr}}=7\cdot 10^{15}\text{ см}^{-2}$ (Na^+ учун), $D_{\text{cr}}=4\cdot 10^{15}\text{ см}^{-2}$ (Ba^+ учун); $E_0=5,0\text{ кэВ}$ да $D_{\text{cr}}=0,3\cdot 10^{15}\text{ см}^{-2}$ (Na^+ учун), $D_{\text{cr}}=0,08\cdot 10^{15}\text{ см}^{-2}$ (Ba^+ учун);

катта дозали ионлар имплантациясида Si валент электронларининг ҳолат зичлиги кескин ўзгариши, тақиқланган зонада донорли аралашма подзона ҳосил бўлиши ва ўтказувчанлик зонасига қўшилиши натижасида тақиқланган зонанинг $0,6\text{ эВ}$ гача (барий учун) ва $0,7\text{ эВ}$ гача (натрий учун) кичрайиши, BaSi_2 ва NaSi_2 бирикмаларининг ҳосил бўлиши асосида тушунтирилган;

биринчи марта кремний монокристалл юза қатламларининг аморфланиши натижасида ҳажмий ва юзавий плазмонлар энергиясининг 15% гача камайиши аниқланган ва камайиш эффекти электрон газнинг иккисуюқлик модели асосида назарий тушунтирилган;

кичик энергияли ва катта дозали Na^+ ва Ba^+ ионлар имплантацияси таъсирида ЭСЭС максимумларининг силжишини қониқарли даражада ифодалайдиган назарий формула яратилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

ион-имплантация қилинган кремний плазмонлари уйғонишидаги йўқотилган энергия чўққиларини силжишига аралашма атомлари негиз электронларининг статик қутбланишининг таъсири аниқланди;

кремний валент электронлари ҳолат зичлиги максимумларининг силжиши Na^+ ва Ba^+ ионлари катта дозада имплантация қилинганда ҳосил бўладиган нуқсонлар концентрациясига боғлиқ эканлигини яхши тушунтира оладиган назарий формула яратилди;

Na^+ ва Ba^+ ионларини катта дозада имплантация қилиб, кейин юқори температурада қиздириш натижасида актив Na ва Ba атомлари кремний юза қатламларида O , S , C ва бошқа аралашма атомлари билан кимёвий боғ ҳосил қилиб биргаликда буғланиб кетишдан иборат бўлган кремний юзасини қўшимча тозалашнинг янги усули ишлаб чиқилди.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги замонавий электрон спектроскопия ва кичик энергияли электронлар дифракция усуллари қўлланилганлиги, кремнийда кичик энергияли ва юқори дозали ион-имплантация қилиш давомида кузатиладиган жараёнларни Келдиш ва Фейман диаграммалари техникасидан фойдаланилганлиги, бундан ташқари ташқи заряд таъсирига қаттиқ жисм электрон газининг диэлектрик акс таъсирини назарий ҳисоблашларни замонавий усуллари билан тасдиқланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти, ион-имплантация қилинган кремнийнинг юзавий ва ҳажмий плазмонларининг уйғониши ва юқори дозали ион-имплантация қилишнинг кремний валент электронлари ҳолат зичлигига таъсирини тушунтириш учун яратилган янги модел ва назариялар амалиётда кузатилган ҳодисаларни тушунтириш имконини беради;

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти, Si юзасини тозалашнинг мавжуд бўлган усулларига қараганда яхшироқ тозалайдиган янги тозалаш усули ишлаб чиқилган ҳамда ишлаб чиқилган назарий модел ва формулалар тоза кремний юзасини ҳосил қилишга ва эксперимент натижаларини тўғри тасвирлашга имкон беради.

Тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиниши. Si монокристаллар юза ҳолатларини ва кичик энергияли Na⁺ ва Ba⁺ ионларининг имплантациясини кремнийнинг валент электронлар ҳолат зичлигига, юзавий ва ҳажмий плазмонларнинг уйғониш частотасига таъсирини ўрганиш асосида:

кичик энергия ва юқори дозали Na⁺ ва Ba⁺ ионларининг имплантациясини Si нинг юзавий ва ҳажмий плазмонлар уйғониш частотасига ва валент электронларнинг зичлик ҳолатига таъсири бўйича олинган натижалар ОТ-Ф2-53 рақамли “А³В⁵ ва А²В⁶ плёнкаларнинг сирти ва сирт ости соҳаларида ҳосил қилинган икки қатламли наноўлчамли тизимларнинг квант ўлчамли эффектлари ва электрон хоссалари” фундаментал лойиҳасини бажаришда қўлланилди (Ўзбекистон республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 18.12.2020 йилдаги №89-03-5337 сонли маълумотномаси). Яратилган ион-имплантация қилинган Si плазмонлари билан электронларнинг ўзаро таъсирлашиш модели ва Si валент электронлар ҳолати максимумларини силжиши ион-имплантация давомида ҳосил бўладиган нуқсонлар концентрациясига боғлиқлиги бўйича аниқланган назарий ҳисоблаш натижалари, кремний юзасида наноўлчамли структуралар ҳосил бўлганда экспериментда кузатилган тақиқланган зона кенглигининг камайишини тушунтириш имконини берган;

кремний монокристалли юзасини вакуумда тозалашнинг янги усули бўйича патент олинди (Кремний монокристаллари юзасини тозалаш усули. Патент № IAP 05720). Тоза, силлиқ ва мукамал Si(111) юзасини ҳосил қилиш имконини берадиган технологик режимлар ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 13 та халқаро ва 2 та Республика илмий-амалий конференцияларида муҳокама қилинди.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича 27 та илмий ишлар чоп этилди, шу жумладан: 1 та монография, 1 та патент, 10 та мақола, шундан 3 таси Web of Science Core Collection, Scopus базасидаги журналлардаги мақолалардир.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхати, 40 та расм, 6 та жадвалдан иборат. Диссертациянинг ҳажми 119 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида илмий тадқиқот ишининг долзарблиги ва зарурияти асосланган, ишнинг ўрганилганлик даражаси, диссертация ишининг мақсад ва вазифалари келтирилган, объект ва предметлари тавсифланган, тадқиқотнинг илмий янгилигини кўрсатади, натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти келтирилган. Республика фан ва технологиялар ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган илмий ишлар, диссертация ҳажми ва тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Биринчи боб **“Кремний монокристалларидаги плазмонлар уйғониш жараёнларини тадқиқ қилиш ва тушунтириш адабиётлар таҳлили”**га бағишланган. Унда тоза ва ион-имплантация қилинган кремний валент электронларининг юзавий ва ҳажмий плазмали тебранишлари, кремний юзасида ҳар хил усуллар билан ҳосил қилинган силицид плёнкаларнинг структура ва хоссаларини ўрганишга бағишланган адабиётлар тадқиқ қилинган. Тоза яримўтказгичларда электронлар плазмали тебранишларни уйғотиш бўйича мавжуд бўлган назарий моделларга, қаттиқ жисм ичида ва юзага яқин муҳитда ҳаракатланаётган электронга, қаттиқ жисмнинг электрон системасининг акси ва электронларни энергия йўқотиш функциясини ҳисоблашга бағишланган мавжуд бўлган назарий моделларга алоҳида эътибор қаратилган.

Бобнинг охирида келиб чиқадиган хулосалар берилган, тадқиқот мақсадлари ва вазифалари қўйилган.

Иккинчи боб **“Экспериментал тадқиқот методикаси”** деб номланган бўлиб ўта юқори вакуум олиш методикаси Si монокристалли юзаларига ишлов бериш: юзани тозалаш, ион-имплантация қилиш ва кейинги термоишлов бериш усулларини намоён қилишга, ишда қўлланилган замонавий диагностик (характерли энергия йўқотган электронлар спектроскопияси, электрон оже спектроскопия, эластик сочилган электронлар спектроскопияси ва кичик энергияли электронлар дифракцияси) усулларнинг ишлаш принципи тўғрисида қисқача маълумот берилган.

Учинчи боб **“Na ва Ba ионлари билан имплантация қилинган Si юзавий қатламларининг элементли таркиби, электрон ва кристалл тузилишини тадқиқ қилиш”** деб номланган бўлиб Na^+ ва Ba^+ ионларини имплантация қилиш ва кейинги термоишлов бериш жараёнларида кузатиладиган Si(111) ва Si(100) юзасидаги кристалл тузилишининг ўзгаришлари, кремний валент электронларининг ҳажмий ва юзавий тебраниш частоталарига таъсирини ўрганиш натижаларини баён қилишга бағишланган.

Электрон асбобларни ишлаб чиқариш замонавий технологиялари тоза кремний юзасини ҳосил қилишни талаб қилади, чунки қаттиқ жисмнинг кўпгина хусусиятлари унинг юза ва юза ости қатламларининг хоссаларига: электрон ва кристалл тузилишига бевосита боғлиқ бўлади. Кремний юзасининг тозалик даражасига қуйидаги йўллар билан: кремнийни дастлабки

ишлов бериш муҳити ва кристаллнинг ўзи дастлабки тайёрлаш давомида ҳажмида мавжуд бўлган аралашма атомларининг юза қатламларига диффузия бўлиши натижасида амалга ошади. Кремний юза қатламларида энг кўп кузатиладиган аралашма атомларига қуйидагилар киради: назорат қилиб бўлмайдиган аралашма S, O, C, N атомлари ва SiO₂ плёнкаси. Юзани улардан тозалашнинг мураккаблиги ва талаб қилинадиган меҳнат даражасига қараб Si юзасининг тозаланганлик даражаси билан фарқ қиладиган, юзани тозалашнинг ҳар хил усуллари мавжуд.

Мазкур ишда кремний монокристалли юзасини ўтаюқори вакуум шароитида икки босқичда амалга ошириладиган: узоқ вақт давомида T=900 K ва қисқа вақтда 1550 K температурада қиздириб тозалашнинг амалда мавжуд бўлган тозалаш усулидан фарқ қиладиган, Si юза қатламларига Na⁺ ёки Ba⁺ ионларини имплантация қилиш орқали кремний юза қатламларида аралашма атомлари кремний ва назорат қилинмайдиган (O, N, S, C ва бошқалар) атомлари билан кимёвий боғланиб гетер қатлам ҳосил қилади ва T=1550 K ҳароратда қисқа вақт давомида қиздирилганда ўзи билан олиб кетадиган кремний монокристалли юзасини қўшимча яхши тозалайдиган янги термик тозалаш усули ишлаб чиқилди.

Si(111) ва Si(100) монокристалли юзасига 0,5 – 5 кэВ энергия билан Ba⁺ ва Na⁺ ионлари имплантация қилиш жараёнида кремний юза қатламларини кристалл тузилишини КЭЭД усули билан ўрганиш натижасида маълум бир D_{cr} критик дозадан ошганда кремний юзасининг тўлиқ аморфланиши кузатилди. Бу ҳолда КЭЭД расмида бутунлай ёруғ диффузион фон ҳосил бўлди. Ушбу турдаги ионлар учун имплантация қилинаётган ионларнинг энергияси ортиши билан белгиланган энергиядан бошлаб D_{cr} дозанинг қиймати камайиши кузатилди ва маълум бир аниқ энергиялар учун D_{cr} дозанинг қиймати Si(111) га қараганда Si(100) да катта бўлиши аниқланди. Ҳар хил энергияда Na⁺ ва Ba⁺ ионлари имплантация қилинганда Si(111) ва Si(100) намуналар юзасини аморфланиш критик дозалари D_{cr} қиймати 1-жадвалда келтирилган.


Жадвалда суратда Si(111) нинг аморфлашиш D_{cr} критик дозаси, маҳражда Si(100) нинг аморфлашиш D_{cr} критик дозаси келтирилган.

1-жадвал


Si(111) / Si(100) юзаларининг аморфлашиш критик дозалари

Ионлар энергияси E ₀ , кэВ	Si(111) / Si(100) юзаларининг аморфлашиш критик дозалари, (D_{cr} , × 10 ¹⁵ см ⁻²).	
	Na ⁺	Ba ⁺
0,5	7 / 9	4 / 5
1,0	5 / 7	1 / 3
2,0	3 / 5	0,7 / 1
3,0	1 / 3	0,6 / 0,9
4,0	0,8 / 1,2	0,3 / 0,6
5,0	0,3 / 0,6	0,08/0,1

Na ва Ba ионларининг имплантациясини кремнийнинг валент электронларини юзавий ва ҳажмий плазмали тебраниш частотасига таъсирини аниқлаш учун хар хил энергияли E_p бирламчи электронлар нурланиши таъсирида тоза ва ион имплантация қилинган кремний намуналарининг ХЭЙЭ спектрлари олинди. Энергияси 1 кэВ хар хил доза билан D , см⁻²: 0 (1-эгри чизик), $5 \cdot 10^{13}$ (2), $5 \cdot 10^{14}$ (3), $7 \cdot 10^{15}$ (4), $1 \cdot 10^{16}$ (5), $8 \cdot 10^{16}$ (6) ва $2 \cdot 10^{17}$ (7), Na⁺ ва Ba⁺ ионлари билан имплантация қилинган намуналарнинг ХЭЙЭ спектри 1- ва 2- расмларда келтирилган. Спектрлар бирламчи электронларнинг энергияси $E_p = 100$ эВ да олинган. Тоза кремнийнинг ХЭЙЭ спектрида (1- эгри чизик) куйидаги энергияли чўққилар кузатилади: 7, 11, 16.5 ва 22 эВ. Бу ХЭЙЭ чўққилар валент электронларнинг юзавий ва ҳажмий плазмали тебранишларни уйғотиш ҳамда электронларни зоналараро ва зона ичидаги ўтишларини уйғотиш билан боғлиқ бўлади.



1-расм. Тоза Si(111) (1 - эгри чизик) ва $E_0 = 1$ кэВ хар хил дозада D , см⁻²: $5 \cdot 10^{13}$ (2), $5 \cdot 10^{14}$ (3), $7 \cdot 10^{15}$ (4), $1 \cdot 10^{16}$ (5), $8 \cdot 10^{16}$ (6), $2 \cdot 10^{17}$ (7) Na⁺ ионлари билан имплантация қилинган кремний учун ХЭЙЭ спектрлари




2-расм. Тоза Si(111) (1 - эгри чизик) ва $E_0 = 1$ кэВ хар хил дозада D , см⁻²: $5 \cdot 10^{13}$ (2), $5 \cdot 10^{14}$ (3), $5 \cdot 10^{15}$ (4), $1 \cdot 10^{16}$ (5), $8 \cdot 10^{16}$ (6), $2 \cdot 10^{17}$ (7) Ba⁺ ионлари билан имплантация қилинган кремний учун ХЭЙЭ спектрлари

Спектрларда кузатилган чўққиларнинг нима билан боғлиқ эканлигини аниқлаш учун тоза кремнийга бирламчи электронларнинг энергияси ($E_p = 30 - 300$ эВ) ва тушиш бурчаги ($\varphi = 0^\circ, 15^\circ, 30^\circ$) ўзгартирилиб ХЭЙЭ спектрлари олинди. 3-расмда тоза кремний учун хар хил E_p : 30 эВ (1- эгри чизик), 60 эВ (2), 100 эВ (3), 200 эВ (4), 300 эВ (5) энергияларда олинган ХЭЙЭ спектрлари кўрсатилган.


Кўриниб турибдики $E_p = 11$ эВ да кузатиладиган чўққининг интенсивлиги бирламчи электронлар энергияси ортиши билан камаяди, $E_p = 16,5$ эВ да кузатиладиган чўққининг интенсивлиги эса ортади (3-расм). Бирламчи электронларнинг тушиш бурчаги ортиши билан биринчи чўққининг интенсивлиги ортади, иккинчи чўққининг интенсивлиги эса

камаяди (4-расм). Тоза кремний ХЭЙЭ спектрида кузатилган бундай ўзгаришлар 11 эВ даги чўққини юзавий плазмонларни уйғониши билан, 16,5 эВ да кузатиладиган чўққини эса ҳажмий плазмонларни уйғониши билан боғлашга далолат бўлади. 7 эВ да кузатиладиган чўққи эҳтимол кремний валент электронларини зоналараро ўтишини уйғотиш билан боғлиқдир.

Ион имплантация қилинган кремнийнинг ХЭЙЭ спектрида 9,2 ва 13 эВ даги пикларнинг E_p энергиянинг 30 дан 300 эВ гача ортишида ва электронларнинг тушиш бурчаги ортишида кузатиладиган интенсивликларнинг ўзгариши биринчи чўққини юзавий плазмонларни уйғониши билан иккинчи чўққини эса ҳажмий плазмонларни уйғониши билан боғлашга асос бўлади.



3-расм. Тоза Si(111) учун бирламчи электронлар энергияси E_p , эВ: 30 эВ (1-эгри чизик), 60 эВ (2), 100 эВ (3), 200 эВ (4), 300 эВ (5) хар хил бўлганда олинган ХЭЙЭ спектрлари




4-расм. Тоза Si(111) учун бирламчи электронлар юза нормалига нисбатан хар хил бурчакда φ , град.: 0° (1-эгри чизик), 15° (2), 30° (3) тушганда олинган ХЭЙЭ спектрлари

Шундай қилиб А.С. Рисбаев ва М.Т. Нормурадовлар томонидан илк бор аниқланган Ва ва На ионлари имплантация қилиниши натижасида кремнийнинг плазмонлари частотасининг камайиш эффекти бизнинг экспериментларда тасдиқланди.


Тўртинчи боб “**Na ва Ва ионларининг кичик энергия ва юқори дозаларда имплантацияси кремний юза ҳолатига таъсири бўйича олинган экспериментал натижаларни модели ва назарий таҳлили**” деб номланган бўлиб, унда кремнийга ион-имплантация қилинган наноўлчамли қатламларнинг электрон тузилиши тўғрисидаги изланишлар натижалари тақдим қилинган. Экспериментда кузатилган юқори дозаларда Si(111) монокристаллига имплантация қилинган ионлар таъсирида плазмонлар энергиясининг камайиш эффекти назарий тушунтирилган, бундан ташқари Si валент электронларининг ҳолат зичликлари максимумининг силжишига, нуқсонлар концентрациясининг таъсири бўйича ҳисоблаш натижалари келтирилган.

1 кэВ энергияли Na^+ ионларини Si юзасига ҳар хил дозаларда имплантация қилингандаги ФЭС ва ЭСЭС спектрлари 5- ва 6- расмларда кўрсатилган. 5-расмдан кўриниб турибдики, кремний юзасига ионлар имплантация қилиниши, валент зонадаги электронлар ҳолат зичлиги ва ўтказувчанлик зоналарининг сезиларли ўзгаришига олиб келади. Валент электронлар ҳолат зичлигининг максимумлари силжиши, унинг шакли ўзгариши, янги максимумлар пайдо бўлиши кузатилади. Кремний электронларида эркин ҳолатлар зичлиги ва валент электронларнинг плазмали тебранишида ўзгариш содир бўлади, бундан ташқари кремнийнинг зонавий структура катталикларида сезиларли ўзгаришлар кузатилади.

6-расмда *n*-типтаги Si(111) га Na^+ ионлари $E_0 = 1.0$ кэВ энергия билан имплантация қилинганда ЭСЭС яъни $-dR(E_{pF})/dE_{pF}$ боғлиқлиги келтирилган, ионлар 0 – (1-эгри чизик), $5 \cdot 10^{14}$ см^{-2} (2), $7 \cdot 10^{15}$ см^{-2} (3), $1 \cdot 10^{16}$ см^{-2} (4) ва $8 \cdot 10^{16}$ см^{-2} (5) дозаларда киритилган. E_{pF} – кремнийнинг Ферми даражасида ўлчанган бирламчи электронлар энергияси. Расмдан кўриниб турибдики натрий ионлари дозаси ортиши билан $-dR(E_{pF})/dE_{pF}$ эгри чизиклари минимуми ва максимумнинг ҳолати босқичма-босқич ўзгариб боради. Тоза Si учун валент электронлар зичлик ҳолати функцияси $\rho(E)$ максимумлари, $-dR(E_{pF})/dE_{pF}$ эгри чизиклари максимумлари тоза кремнийдаги E_1, E_2, E_3, E_4 ва E_5 ҳолатига мос келади. Na^+ ионлари имплантацияси натижасида E_{pF} нинг кичик энергиялар соҳасига томон максимумларнинг силжиши кузатилади. Маълумки, қаттиқ жисмларнинг $-dR(E_{pF})/dE_{pF}$ эгри чизиги максимумлари шартли равишда валент электронларнинг зоналараро ғалаёнланишига, минимумлари эса валент электронларнинг коллектив плазмали тебранишларининг ғалаёнланишига боғлиқ бўлади. Бинобарин, Na^+ ионлари имплантацияси кремнийнинг валент электронлари ҳолатининг ўзгаришига олиб келади.



5-расм. *p* – типдаги Si(111) юзасига Na^+ ионлари $E_0 = 1.0$ кэВ энергия ва турли дозаларда имплантация қилинганда ФЭС спектри. $D, \text{см}^{-2}$: 0 – (1), $5 \cdot 10^{13}$ (2), $5 \cdot 10^{14}$ (3), $7 \cdot 10^{15}$ (4), $1 \cdot 10^{16}$ (5), $8 \cdot 10^{16}$ (6)



6-расм. Si(111) га Na^+ ионлари $E_0 = 1.0$ кэВ ва турли дозаларда имплантация қилинганда $-dR(E_{pF})/dE_{pF}$ боғлиқлиги. $D, \text{см}^{-2}$: 0 – (1), $5 \cdot 10^{14}$ (2), $7 \cdot 10^{15}$ (3), $1 \cdot 10^{16}$ (4), $8 \cdot 10^{16}$ (5)

Бундан шундай хулоса қилиш мумкинки, Va^+ ва Na^+ ионлари кичик энергия $E_0 < 5$ кэВ ва юқори дозада имплантация қилинганида, дастлабки кремнийнинг ўтказувчанлик типига боғлиқ бўлмаган ҳолда, тақиқланган зонада донор аралашмали зона ости ҳосил бўлади, ўтказувчанлик зонаси билан қопланади, яъни кучли айниган донор типдаги ўтказувчанликка эга бўлган яримўтказгич ҳосил бўлади. Буларнинг барчаси валент электронларнинг коллектив тебраниш энергиясининг сезиларли ўзгаришига олиб келади.

Na^+ ва Va^+ ионларини $E_0 = 1$ кэВ энергия билан юқори дозада имплантация қилиш натижасида (1 ва 2-расм) кремнийдаги ҳажмий ва юзавий плазмонларнинг энергиясини камайиш эффектини изоҳлашда электрон газнинг икки суюқликли моделидан фойдаландик. 7-расмда a қалинликдаги тоза Si билан чегараланган бузилган қатлам кўрсатилган, муҳитнинг қолган ярим қисми бузилмаган кремнийдан иборат бўлади. Расмдаги $a > z > 0$ – соҳа бузилган қатлам, $z > a$ – соҳа тоза материал.

$$\varepsilon_0(\omega) = 1 - \frac{\omega_{pv}^2}{(\omega - i\nu)^2} \quad (1)$$

(1) ифода орқали тоза материалнинг ҳажмий диэлектрик сингдирувчанлигини характерлаш мумкин, бу ерда ω_{pv}^2 – тоза Si даги валент электронларнинг плазмали частотасининг квадрати, ν – системадаги тебранаётган валент электронларнинг сўниши, ω – ташқи таъсирларга муҳитда жавобан ҳосил бўладиган тебранишлар частотаси.

Ион имплантация қилинган кремний учун диэлектрик сингдирувчанликни узун тўлқинлар соҳасида қуйидагича йиғинди кўринишида ёзишимиз мумкин:


$$\varepsilon(\omega, z) = \varepsilon_0(\omega) + \varepsilon_s(z), \quad (2)$$

бу ерда $\varepsilon_0(\omega)$ – тоза кремнийнинг диэлектрик сингдирувчанлиги,

$$\varepsilon_s(z) = \frac{4\pi e^2}{m} \cdot N_{imp}(z) \cdot \sum_{l>v} \frac{Z_{эфф,l}}{(\omega_{lc}^2 - \omega_{pv}^2)} \quad (3)$$

эса, аралашма ионлари негиз электронларининг статик қутбланишини ифодалайди. Ифодадаги сумма $\sum_{l>v}$ валент зонаси остида жойлашган

аралашма ионининг барча тўлдирилган қобикларига тааллуқлидир, яъни бу ерда $\omega_{lc}^2 \gg \omega_{pv}^2$; $\omega_{pv}^2 = 4\pi e^2 N_v / m$ – кремний валент электронларининг плазмали частотасининг квадрати, ω_{lc}^2 – аралашма ионлари негиз электронларининг l – қобиғидан Si нинг ўтказувчанлик соҳасига ўтиш частотасининг квадрати, $N_{imp}(z)$ – киритилган ионларнинг чуқурлик бўйича



7-расм. Электрон газининг икки суюқликли модели.

таксимланиш профили, $Z_{\text{эфф},l} - l \rightarrow c$ ўтишда иштирок этаётган электронларнинг эффе́ктив сони.

Бу ерда кўриб чиқилган ҳолат учун плазмонлар кўзғалишининг спектрал интенсивлиги қуйидаги кўринишда бўлади:

$$I_{\omega} = -\frac{2}{(2\pi)^3 \hbar^2 v^2} \int_{-\infty}^{+\infty} dq \int_{-\infty}^{+\infty} dz \int_{-\infty}^{+\infty} dz' \exp\left[-i\frac{\omega}{v}(z-z')\right] \text{Im}D(z, z', q, \omega), \quad (4)$$

Si га ион-имплантация қилинган ички электронлар электр майдонининг Грин функцияси $D(z, z', q, \omega)$ маълум бўлса, интенсивликни аниқлаш мумкин. (4) формуладаги $\hbar\omega$ ва q – муҳитга берилган энергия ва тўлқин вектори, v – тушаётган электроннинг тезлиги.

Черенковнинг электрон билан муҳитда ҳажмий плазмонни ҳосил бўлиш жараёнини таҳлил қилиш натижасида спектрнинг чўққиси интегрални ўз ичига олган ифода кўринишида ифодаланган, бу ерда χ муҳитда учиб келаётган электрон тўлқин майдонининг фазовий сўниши ҳисобланади:

$$\begin{aligned} \text{Im} \int_0^{\infty} dz \exp(-2\chi z) \frac{1}{\varepsilon(\omega, z)} = \\ = \frac{\pi\theta[-\varepsilon_0(\omega)]\theta[\varepsilon_0(\omega) + \varepsilon_s(z_{max})]}{\left|\frac{d\varepsilon_s(z)}{dz}\right|_{z=z_0(\omega)}} \exp[-2\chi z_0(\omega)], \end{aligned} \quad (5)$$

Ион-имплантацияланган кремнийдаги ҳажмий плазмали резонанс чўққининг ҳолати, $-\varepsilon_s(z_{max}) \leq \varepsilon_0(\omega) \leq 0$ тенгсизлик билан аниқланган ғалаёнланган частоталар диапазонининг паст частоталар қисмига тўғри келади. $\varepsilon_s(z_{max})$ нинг қиймати нурланиш дозаси ортиши билан ортиб борганлиги сабабли, чўққининг кичик энергиялар томон силжиши ҳам тоза кремнийдаги $\hbar\omega_{\text{рез}}$ ҳолатига нисбатан ортади.

Бузилган қатламдаги диэлектрик сингдирувчанлик $\varepsilon(\omega)$ $\varepsilon_0(\omega)$ дан икки омил билан фарқ қилади. Биринчидан, қўлланилган Na (ёки Ba) ионлари Si билан бирикмалар ҳосил қилиб, плазмали тебранишларга $\omega_p < \omega_{pv}$ частота ва $\gamma \ll \omega_p$ сўнишига ҳисса қўшади. Иккинчидан, бузилган қатлам соҳасидаги валент электронлар соҳасида сўниш кучаяди, шунинг учун

$$\varepsilon_s(\omega) = 1 - \frac{\omega_{pv}^2}{(\omega - i\gamma)^2} - \frac{\omega_p^2}{(\omega - i\gamma)^2} \quad (6)$$

бу ҳолда $\gamma > \nu$, яъни секин электронлар дифракцияси бўйича тажрибаларда мавжуд бўлиши тасдиқланадиган аморфизация натижаси ҳисобланади (1-жадвалга қаранг). Бундай аморфизация натижасида аралашмалар концентрацияси кескин ортади ва валент электронларнинг плазмали сўнувчи тебранишларига олиб келувчи бузилишлар кучли номоён бўлади.

8-расмда $A = \frac{\omega^2}{\omega_p^2} = 0,6$ ва мос равишда $\frac{\gamma}{\omega_p} = 0,5; 1,0; 1,5; 2$; учун $\text{Im} \frac{1}{\varepsilon(\omega)}$ спектрлари келтирилган. $\frac{\gamma}{\omega_p}$ нисбат 0,5 га тенг. $\frac{\gamma}{\omega_p} \geq 1$ бўлганда спектр максимумининг $\omega < \omega_p$ соҳасига силжиши кузатилади, яъни структура етарлича кучли бузилганда бузилган қатлам соҳасига томон. Шундай қилиб,

бузилган қатламдаги ҳажмий плазмон учун ХЭЙ спектрига хос бўлган характерли хусусият тоза кремний ва Ва, Na металллардаги плазмон частоталари нисбати билан бир хил тартибда бўлган валент элетронлар системасидаги кучли сўнишлар ҳисобланади.


Сиртий плазмон ғалаёнланиши интенсивлигининг спектрал тақсимоти илгари маълум бўлган ифода орқали аниқланади. Ушбу ифоданинг таҳлили шуни кўрсатадики, ион легирлаш билан боғлиқ максимал қўшимча $\varepsilon_s(z_{max})$ бирдан етарлича кичик бўлганда, спектрнинг сиртий резонанс чўққиси

$$\varepsilon_0(\omega) + 1 \cong -\frac{3}{8} \frac{\omega_{pv}^2}{v^2} \left[\int_0^\infty dz \varepsilon_s(z) \right]^2, \quad (7)$$

бўлган ҳолда кузатилади.

(7) дисперсион тенгламадан келиб чиқадики сиртий резонанс чўққиси ҳолати киритилган аралашма тақсимоти профилига ўта сезгир бўлар экан. Худди шунга ўхшаш тасдиқ юқорида кўрсатиб ўтилган ҳажмий плазмон чўққиси ҳолати учун ҳам ўринлидир. Нурланиш дозасининг ортиши, яъни $\varepsilon_s(z_{max})$ катталиқнинг ортиши билан сиртий плазмон чўққисининг силжиш қонунияти худди ҳажмий плазмондаги каби паст энергиялар томон силжир экан.

